

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА (ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ)

Бойтўраев Олимжон Урайимович,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти тадқиқотчиси

Ёқубжонова Хулкарбону Ёқубовна
Наманган давлат университети (PhD)
E-mail: hulkarbonuyouqubjonova1983@gmail.com

Аннотация. Бугунги жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши шароитида анъанавий хунармандчилик марказлари аста-секин мамлакат туризм секторининг асосий йўналиши сифатида ҳар бир вилоятларида аҳолининг иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётида ўз мавқеини тикламоқда. Ушбу марказлар ҳар бир ҳудуд ва минтақада мамлакат ва одамларнинг ўзига хос, жўшқин, алоҳида ва ўзгармас хусусиятларини қайта тиклашга ҳисса қўшадиган турли хил кўринишларга ўхшайди. Бугунги кунда дунёда хунармандчилик туризмига доир турли тадқиқотлар мавжуд бўлиб, Фарғона водийсининг хунармандчилик салоҳиятини ўрганган ҳолда кўплаб хунармандчилик қишлоқларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу мақола Фарғона водийсидаги хунармандчилик туризмнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишга, натижаларини, мавжуд муаммоларни, тўсиқларни кўрсатишга, шунингдек, Фарғона водийсида хунармандчилик туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Калит сўзлар: Хунармандчилик туризми, Фарғона водийси, халқаро иқтисодий муносабатлар, инфратузилма, туризм дастурлари, халқаро туристик бозор.

Аннотация. В современном мире углубляющихся экономических отношений и устойчивого развития центры традиционных ремесел постепенно восстанавливают свое место в экономической, культурной и социальной жизни населения в каждом регионе страны в качестве основного направления туристического сектора. Эти центры похожи на разные точки зрения в каждом регионе и регионе, которые способствуют восстановлению уникальных, ярких, самобытных и неизменных характеристик страны и ее жителей. Сегодня в мире проводятся различные исследования ремесленного туризма, и рекомендуется основать множество ремесленных деревень, изучая ремесленный потенциал Ферганской долины. Данная статья направлена на анализ текущего состояния ремесленного туризма в Ферганской долине, выделение результатов, существующих проблем, препятствий, а также выработку ряда рекомендаций по развитию ремесленного туризма в Ферганской долине.

Ключевые слова: Ремесленный туризм, Ферганская долина, международные экономические отношения, инфраструктура, туристические программы, международный туристический рынок.

Abstract. In today's world of deepening economic ties and sustainable development, traditional craft centers are gradually regaining their place in the economic, cultural and social life of the population in each region of the country as the main direction of the tourism sector. These centers are like different views that contribute to the restoration of the unique, vibrant, distinctive and unchanging characteristics of the country and people in each region and region. Today, there are various studies on craft tourism in the world, and it is advisable to establish many craft villages, studying the craft potential of the Fergana Valley. This article is aimed at analyzing the current

state of craft tourism in the Fergana Valley, highlighting the results, existing problems, obstacles, as well as developing a number of recommendations for the development of craft tourism in the Fergana Valley.

Key words: *Craft tourism, Fergana Valley, international economic relations, infrastructure, tourism programs, international tourism market.*

Кириш

Бугунги кунда «Хунармандчилик туризми» сайёҳликнинг янги туридир, кўплаб тадқиқотчилар ва мутахассислар уни юқори сифатли маданий туризм деб баҳолайдилар, чунки анъанавий хунармандчилик қишлоқлари моддий ва номоддий маданий мерос сақланадиган "Жонли музей" деб аталади. Дарҳақиқат, бу ҳазиналар турлича ва ўзига хос бўлиб, миллий маданиятнинг қадриятлар тизимига катта ҳисса қўшади. Шу ўринда, “Хунарманд қишлоқлари туризми” нафақат ноёб ва мураккаб хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган жой, балки ҳар бир минтақа жамоатчилигининг санъати ва урф-одатларини сақлайдиган маданий муҳитдир. Ушбу қадриятлар тизими орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар нафақат одамларнинг интилишлари, шунингдек, замонавий техник имкониятлари, эстетик ва бадиий қарашларига мос равишда уларнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган моддий жиҳатдан ташкил этилган муҳитни томоша қилиш, маҳсулотлар харид қилиш, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган инсонларнинг матонат ва ижодқорлигини ҳам ҳис қилишлари мумкин. Туризмни сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш жараёнида анъанавий хунармандчилик бандлик муаммоларини ҳал қилишга катта ёрдам беради, минглаб ишчиларнинг иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш ва ижтимоий ривожланишга кўмаклашади.

Хунармандчилик туризми салоҳияти нуқтаи назаридан юқори имкониятларга эга бўлган Фарғона водийси - шимолий муҳим иқтисодий минтақада жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Ушбу минтақада 3 та йирик халқаро аэропорт жойлашган. Ҳудуднинг транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган, демак, Фарғона водийсининг хунармандчиликка ихтисослашган туманлари минтақавий ва миллий иқтисодий ривожланиш стратегияларида муҳим роль ўйнайди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Фарғона водийси охириги 10 йилликда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда кўплаб муҳим ютуқларга эришди. Бундан ташқари, Фарғона водийси хунармандчилик, миллий атлас матолари, Хонобод замонавий дам олиш мажмуаси, Чодак, Парда Турсун (Имом ота) номли экотуристтик маскани, Балиқли кўл зиёратгоҳи, шифобахш Чортоқ суви каби машҳур табиий ландшафтларга эга минтақа ҳисобланади. Миллий ўзига хослик билан сингдирилган кўплаб миллий халқ байрамлари, тарихий ва маънавий қадриятларига эга бўлган турли қадимий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Хусусан, Фарғона вилоятидаги бугунги туризм салоҳияти хусусида, Марғилон шаҳрида “Атлас”, Қўқон шаҳрида “Silk road Qo’qon”, “Асп”, “Асмалд хотел” каби меҳмонхоналар ишга туширилган. Туристларга хизмат кўрсатувчи 10 та ресторан ва умумовқатланиш объекти қурилган. Қўқон шаҳри Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, у қадимдан илм-фан, маданият ҳамда хунармандчилик маркази ҳисобланган. Фарғона халқаро аэропорти, Марғилон ва Қўқон темир йўл вокзаллари, Аҳмад Фарғоний истироҳат боғи, Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг туристлар гавжум ҳудудларида 31 та “Wi-Fi” зоналар ташкил этилган. Аэропорт, темир йўл вокзаллари ва Марғилон шаҳридаги “Қўмтепа” бозори ҳудудида туристик ахборот марказлари фаолият бошлаган.

Шунингдек, Риштон тумани Қадимги Ипак йўли йўналиши бўйлаб жойлашган бўлиб ўзининг кулолчилиги билан доимо машҳур бўлиб, у Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқариш маркази бўлган. Бугунги кунда миллий кулолчилик анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, жадал ривожланишда давом этмоқда. Риштонда 20 дан ортиқ катта ҳунармандлар шунингдек, уларнинг 7 мингга яқин ўқувчиси яшаб, меҳнат қилмоқда, ҳар бири 30 нафардан 50 нафаргача оилани иш билан таъминлайди – маҳаллий аҳоли уй-рўзғор буюмларидан тортиб бадиий кулолчилик маҳсулотларигача бўлган тайёр маҳсулотларни уйда бўйлаб билан шуғулланади. Риштонлик кулолларнинг ўзига хос анъана ва кўникмаларига асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламлари йирик капитал қўйилмаларисиз иш ўринлари ва барқарор даромад билан таъминланмоқда. Риштон кулолчилиги уч юз йилдан зиёд (1797-1872 йиллар) анъанавий ҳунармандчилик тарихига эга. Туризмни иқтисодий ўсишини рағбатлантирувчи ва ҳунармандчилик қишлоқларининг маданий ўзига хослигини сақлайдиган асосий иқтисодий соҳага айлантириш учун ҳунармандчилик туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бироқ, ҳозирги вақтда, Риштон туманининг атрофидаги ҳунармандчилик туризмнинг ривожланиши унинг салоҳият даражасига мос эмас. Ҳунармандчилик қишлоқларини ривожлантириш бўйича турли ёндашувлар мавжуд, лекин Фарғона водийсининг салоҳиятини яхлит ҳолатда таҳлил этиб ҳунармандчилик қишлоқлари туризмни ривожлантириш ҳақида етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу сабабли, халқаро туристик бозорда Фарғона водийсининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини илгари суриш мавзусидаги тадқиқот назарий ва амалий жиҳатдан жуда зарур ва долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда сайёҳларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун туризмнинг кўплаб янги турлари жорий этилган, бунда ҳунармандчилик қишлоқлари туризми сайёҳларнинг катта эътиборини тортади [1]. Айни пайтда ҳунармандчилик қишлоқларининг икки тури мавжуд, улар анъанавий ҳунармандчилик қишлоқлари ва ноанъанавий ҳунармандчилик қишлоқларини ўз ичига олади. Ҳунармандчилик қишлоғини ҳунармандчилик билан шуғулланадиган уй хўжаликларининг камида 30 фоизи қонуний мувофиқлик асосида иштирок этиши керак бўлган ҳудуддир. Қолаверса, ҳунармандлар қишлоғи камида 50 йил давомида мавжуд бўлишининг учта мезонига эга бўлса, минтақавий маданий ўзига хосликларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарса ва камида битта таниқли ҳунарманд ёки қишлоқ номига эга бўлса, анъанавий қишлоқ деб таърифланиши мумкин. Бироқ, икки хил турдаги ҳунармандчилик қишлоқлари мавжуд бўлиб, анъанавий ва ноанъанавий ёки "янги". Янги ҳунармандчилик қишлоғи янги бозор талабини қондириш учун ташкил этилган.

Турли тадқиқотлар ҳунармандчилик туризмни ривожлантиришнинг муҳим эканлигини таъкидлади. Маълумотларига кўра, сайёҳлик ва ҳунармандчилик қишлоқларининг уйғунлашуви қишлоқ ишчиларига даромад ва бандлик келтиради [2]. Замонавий ҳаёт тарзига эга бўлган шаҳар аҳолиси кўпинча стресс ва босимни ҳис қилишади. Улар тинч ва осойишта муҳитда янгиланишлари ва анъанавий қадриятларга қайтишлари керак. Туризм ва анъанавий ҳунармандчилик ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш қишлоқ жойларида қашшоқликни бартараф этишда жуда муҳим роль ўйнайди [3]. Шунингдек, у ҳунармандчилик қишлоқларида маданиятни сақлаш ва қайта тиклаш воситаси сифатида қаралади [4]. Бундан ташқари, у

хунармандчилик туризми сифатида назарда тутилган бўлиб, у жойлашган жойларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, табиий ва инсоний тузилмалари билан чамбарчас боғлиқдир [5].

Дунёда хунармандчилик қишлоқлари туризми бўйича кўплаб кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, хусусан Америкалар олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, хунармандлар қишлоғи туризмни ривожлантириш учун иқтисодиёт, ижтимоий, маданий, жисмоний, табиий муҳит, урбанизация бўлмаган шароитларда ҳам қулайликларга эга бўлиши ва анъаналарда ўзига хосликка эга бўлишни талаб қилади [6]. Туризм фаолияти амалга ошириладиган ҳудудларда қишлоқ сайёҳлигини ривожлантиришга давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари катта таъсир кўрсатади. Ҳукумат туризмни ривожлантиришда анъанавий хунармандчилик қишлоқларининг қадриятларидан хабардор бўлиши керак ва шу билан маҳаллий аҳолини хунармандчилик туризмини ривожлантиришга рағбатлантириш учун самарали сиёсатни қабул қилиши керак. Ривожланган туризм қишлоқлари анъанавий хунармандчилик маҳсулотлари қишлоқнинг энг муҳим ва асосий диққатга сазовор жойлари ва албатта, қишлоқнинг маданий ўзига хослигидир. Хунармандчилик туризми маркетинг учун самарали оқим ҳисобланади, чунки сайёҳлар ўз мамлакатларида ҳам маҳсулот сотиб олишлари мумкин бўлади [7]. Бу ҳолатда хунармандчилик туризмининг тармоқли маркетингини юритиш имкониятини вужудга келтиради. Хунармандчилик қишлоқларига ташриф буюрадиган сайёҳлар хунармандчиликнинг маросимларда ёки кундалик ҳаётда қандай ишлаб чиқарилиши ва ишлатилишини, шунингдек сотиб олиш имкониятларини билиб олишлари мумкин [8]. Маркус ва Лималар томонидан олиб борган тадқиқотларидан кўришимиз мумкинки, туристларнинг қониқиши қишлоқ туризмига таъсир қилишини таъкидладилар [9].

Туристлик фаолиятнинг барча харажатларини, шу жумладан доимий яшаш жойидан сайёҳлик манзилига ва аксинча кўчиб ўтиш ва туристик жойда яшаш харажатларини шакллантириш билан боғлиқ [10]. Аслида, харажатлар хунармандчилик қишлоқ туризми туристик талабига салбий таъсир кўрсатади, чунки бу одамларнинг саёҳат қилиш истагини камайтирадиган сабаблардан биридир [11]. Бу ўринли, чунки хунармандчилик қишлоқ туризми хизмат кўрсатишнинг одатий тури сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шубҳасиз, бу хизматни сотиб олиш нархи ошганда, талаб камаяди ва аксинча. Уилямс ва Лавсонларнинг фикрича, маҳаллий аҳолининг хабардорлиги хунармандчилик қишлоқлари туризмнинг мавжудлиги ва ривожланишида муҳим роль ўйнашини таклиф қилди [12]. Аслида, хунармандчилик қишлоғи қиёфасини тарғиб қилиш ташриф буюрувчиларга сайёҳлик маҳсулотлари ҳақида кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради ва у ердан қишлоққа сайёҳлар томонидан кўпроқ эътибор қаратилади [13]. Роберт ва Мак Интошларнинг олиб борган тадқиқотлари хонадон бошлиғининг маълумот даражаси ва туризм даражаси ўртасидаги боғлиқликни кўрсатди [14]. Шунга кўра, оила бошлиғининг таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, саёҳат қилиш даражаси шунча юқори бўлади. Шундай қилиб, аҳолининг умумий маданий даражаси юқори бўлса ва аксинча, қишлоқ туризмига бўлган талаб ортиб боради.

Айниқса, халқаро иқтисодий интеграция шароитида хунармандчилик қишлоқлари ўз маҳсулотларини хорижий мижозларга тарғиб қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Бу, албатта, ички ва ташқи бозорда маҳсулотларнинг

самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади. Кўриниб турибдики, ҳунарманд қишлоқлари ўз маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун ўз ички ресурсларини илгари суриш ва ташқи кучлардан яхши фойдаланиш имкониятига эга. Бироқ, жаҳон иқтисодий интеграцияси тенденциясига дуч келган ҳолда, қишлоқ туризми ҳам кўплаб муаммоларга дуч келади, масалан, туристик компаниялар ўртасидаги кескин рақобат (туризм хизматларининг миқдори ва сифати бўйича) ёки иқтисодий таназулнинг таъсири, уларнинг сонининг пасайишига олиб келади. Сайёҳлик маҳсулотларига буюртмалар, иш жойлари сонининг камайиши ва меҳнат даромадлари миқдори, ишлаб чиқариш ва сайёҳларни жалб қилишга таъсир қилувчи хом ашё нархининг ўсиши ва омилларни келтириш ўринли бўлади [15].

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда тадқиқот мақсадларига эришиш учун Фарғона водийсида ҳунарманд қишлоқлари туризмини ривожлантиришдаги жорий ҳолат, имкониятлар ва муаммоларни таҳлил қилиш учун асосан тавсифловчи статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Фарғона вилоятида ҳунармандчилик қишлоқларини жорий этиш Бешариқ, Боғдод, Бувайда, Данғара, Қува, Олтиариқ, Риштон, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Фарғона, Фурқат ва Ёзёвон туманларида “Ҳунармандлар марказлари” учун бинолар қурилиб битказилганлиги; “Ҳунармандлар марказлари”ни белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик асосида етакчи ҳунармандлар ва салоҳиятли тадбиркорларга берилиши ҳамда улар билан давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимлар тузилишини таъминлаши¹ 2021 йилда Фарғона вилоятида белгиланган мезонларга жавоб берадиган 13 та ҳунармандчилик туманлари, жумладан дурадгорлик, кулолчилик, атлас, адрас ва гилам тўқиш ва бошқалар каби асосий касблар билан ишлайдиган ҳунармандчилик қишлоқлари мавжудлиги асос бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Фарғона вилоятида 26 914 ҳунармандлар мавжуд бўлса, Наманган вилоятида 2500 нафардан ошди. Андижон вилоятида 42 нафар туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар хусусий ва тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият олиб бормоқда²


Фарғона водийсида ҳунармандчилик қишлоқ туризмини ривожлантириш шароитлари

Географик жойлашуви нуқтаи назаридан Фарғона водийси туризмни ривожлантиришда бир нечта қулайликларга эга. Фарғона водийси – Чотқол, Қурама, Фарғона, Олой, Туркистон тоғ тизмалари ўртасида жойлашган. Фарғона водийсида Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Баткен вилоятлари; Тожикистоннинг Хўжанд вилояти, Ўзбекистоннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари маъмурий жиҳатдан жойлашган. Фарғона водийси 78 минг кв. км майдонни эгаллаб, ғарбдан шарққа 475 км.га, шимолдан жанубга 265 км масофага чўзилган.

Ҳудудда ҳунармандчилик қишлоқлари туризмини ривожлантиришда қуйидаги учта муҳим омилларга эътибор бериш лозим бўлади (1-расм).

¹ Фарғона вилояти Қува тумани ҳокимининг қарори, Фарғона вилояти ҳокимининг 2021 йил 4 августдаги “Ҳунармандлар марказлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги 48-11-0-Q-21- сонли қарори ҳақида

² Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” Андижон вилояти бошқармаси “Андижон вилоятида туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестрини шакллантириш” Кенгашининг йиғилиши баёни 23.09.2020 йил



1-расм. Хунармандчилик қишлоқлари туризмни ривожлантиришнинг муҳим омиллари³

А) янгича инфратузилма – одатда жисмоний, маданий, хизмат кўрсатиш ва бошқарув инфратузилмаларига бўлинади. Хусусан, жисмоний инфратузилмалар транспорт, меҳмонхона, электр энергияси, алоқа хизматларидан иборат бўлади. Жумладан, сайёҳлик, меҳмонхона хизматлари ва автоуловларни ижарага бериш хизматлари – инфратузилмалар рақобатдошлигида муҳим роль ўйнайди ва саноатнинг артерияси бўлиб хизмат қилади.

В) ташқи бозорга чиқиш - ушбу омилни таҳлил этиш жараёнида хунармандчилик туризми бўйича ташриф буюрган меҳмонлар учун меҳмонхона секторидаги хизмат кўрсатиш сифати энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Меҳмонхона секторини ривожлантириш учун ўзига хос йўл мавжуд. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритишга тайёр ёки тайёр эмаслигига қараб халқаро бозорга кириб бориш. Бу ҳолатда тўғридан-тўғри инвестицияларни бошқаришни максимал даражада ошириш ва ресурсларни тўғри тақсимлаш. Бундай вазиятларда бозор билимларига эга бўлиш, активларга таъсир қилишни минималлаштириш ва рискларни тўғри бошқара билиш муҳим.

С) малакали кадрлар тайёрлашга сармоя киритиш - туризм соҳасини ривожлантиришда ишга қабул қилувчилар салоҳиятли номзодларни саралаб уларни туризм сектори равнақи учун 5 та муҳим кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқитишга сармоя киритилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳиссий интеллект ва қобилияти шакллантириш:

Рақамли трансформация меҳмондўстлик ва туризм саноатининг келажагини ўз зиммасига олиши ўз-ўзидан маълум, инсон капиталига сармоя киритиш доимий ўзгарувчан сценарийда инновацион ечимларни топишнинг калитидир. Одамларнинг ҳиссий қобилиятлари ташкилот муваффақиятини белгилайди ва агар бу барча соҳаларда тўғри келса, бу меҳмондўстлик ва туризм каби хизмат кўрсатиш соҳалари учун янада муҳимроқдир.

2. Жамоавий ишлаш кўникмаларини шакллантириш

Кўплаб мезбон компаниялар ва ташкилотлар томонидан талаб қилинадиган ўзига хос малакалар қаторида, номзодни танлашда мавжуд жамоага қўшилиш

³ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

қобилияти кўпинча муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолатда стажировка ва жойлаштириш бўлими мутахассисларни суҳбат жараёнига қўллаб-қувватлаш ва тайёрлашга, шунингдек, амалиёт давомида тегишли мураббийликни таъминлашга қаратилган маслаҳат хизматини таклиф қилади, юқоридагилар профессионал муваффақиятга эришиш учун зарурдир.

3. Вақтни тўғри бошқариш

Туризм сектори менежерлари кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта иш устида ишлайдилар ва тез суръатда бошқарадилар. Қисқа вақт ичида бир вақтнинг ўзида бир нечта ишни бажариш ва кутилмаган муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўлади, бу ҳолатда ҳис-туйғуларини кутилмаганда қўйиб юбориш жуда осон... Меҳмондўстлик ва туризмда барқарор муваффақиятга эришиш учун ходим кўп вазифаларни бажаришга тайёр бўлиши ва совуққон бўлиши керак бўлади. Юқори самарадорлик ва мижозлар эҳтиёжини тўлақонли қондиришга эришмоқчи бўлган бизнес эгалари малакали кадрлар тайёрлашга сармоя киритишда адашмайдилар.

4. Муаммоларни ҳал қилиш

Иш жараёнида турли хил характерли мижозлар билан ишлашга ёки ички муаммоларга дуч келинади, тик туриб ўйлаш ва муаммоларни ечимларни таклиф қилиш қобилияти меҳмондўстлик ва туризмдаги барқарор ривожланиш учун энг қимматли кўникмалардан бири ҳисобланади. Профессional муваффақиятга эришилади. Мутахассислик қандай бўлишидан қатъий назар, инқирозни қандай бошқаришни ўрганиш зарур, муаммони аниқлашдан тортиб, қанчалик даражада ҳал эта олиш қобилияти ва келажакда нимани яхшилаш мумкинлигини баҳолаб беради.

5. Стратегия ва инновациялар

Меҳмондўстлик ва туризм бўйича "Стратегия ва инновацион кўникмалар қаторида "чегарадан ташқарига чиқиш" ёки ҳатто белгиланган тартиблар мавжуд бўлса ҳам, янги имкониятлар ва ечимларни қидиришда давом этиш қобилияти" тушунилади.

Мамлакатимизда 2023 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва Реестрга киритилган ҳунармандлар учун календарь йили давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдорида тўланади⁴; Инфраструктура замонавий йўллар, ҳаво ва темир йўл коммуникациялари мавжудлигини, кенг имкониятли, шу жумладан, замонавий меҳмонхоналар, СПА хизматлари, ресторанлар барпо этишни, шунингдек, ҳар бир ҳудудда юқори тезликда ишлайдиган интернет алоқа майдони яратишни назарда тутди. Вилоятларда ҳунармандчилик туризми бўйича сайёҳларга хизмат кўрсатувчи махсус транспорт корхоналарининг йўқлиги, туризм инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ҳунармандчилик йўналишидаги туристик объектлардан етарли даражада фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги сингари қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Туризмни вилоятнинг асосий иқтисодий секторига айлантиришда самарадорликка эришиш учун Фарғона водийси вилоятлари туризм

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" ги Тошкент ш., 2019 йил 28 ноябрь.

инфратузилмасини янгилаш ва ривожлантириш учун давлат инвестиция капиталига устувор аҳамият қаратиб келмоқда. 2015-2020-йилларда хизматлар соҳаси таркибида бошқа хизматлар соҳасига йўналтирилган жами давлат бюджети капитали 31 101,6 миллиардни ташкил этди. Туризмни ривожлантириш учун умумий қиймати 26,2 миллион долларлик 22 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.⁵ Вилоятда инвестицияларни жалб қилиш учун давлат бюджети инвестицияларидан ташқари, ташаббускор тадбиркорлар маблағи, банк кредитлари, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан 58 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Туристлар сони

2015-2020 йилларда Фарғона вилоятига сайёҳлар сони кескин ошди. ҳудудда маҳаллий туристлар сони 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 18.1 % га ортган, маҳаллий туристлар сони 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 11.6 % га ортган, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан эса 1,9 % га ортган, лекин 2018 йил кўрсаткичига нисбатан пасайганлигини кузатилади.

1-жадвал

Фарғона водийсида умумий туристлар сонинг ўсиш тенденциялари⁶

№	Вилоятлар	Умумий туристлар сони							
		2016		2017		2018		2019	
		маҳаллий	хорижий	маҳаллий	хорижий	маҳаллий	хорижий	маҳаллий	хорижий
1.	Андижон	490 800	8145	540 332	9576	615 800	10 676	624 600	11 939
2.	Фарғона	511 456	18 310	615 000	22 807	701 800	23 564	556 400	24 404
3.	Наманган	410 135	7 530	512 700	8 115	544 900	8 905	717 900	11 966

Хорижий туристлар сони эса 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 19.1 % га ортган, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 6.5 %га ортган, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 11.9 %га ортган. 1-жадвал маълумотларига кўра, 2016 ва 2019 йиллар оралиғида Фарғона водийсига ташриф буюрувчи умумий сайёҳлар сонинг ўсиш тенденциялари 1-жадвал маълумотларида келтирилди.

Аслида, ҳунармандчилик қишлоқ туризмига талаб билан Фарғона водийсига ташриф буюрган сайёҳлар сони унчалик кўп эмас. Бироқ, агар инвестиция лойиҳалари тўғри йўналтирилса, Риштон тумани кулолчилик маркази, Марғилон атлас шаҳри, Чуст дўппидўзлиги ва бошқа ҳудудлардаги тунукасозлик, пичоқчилик, чеварчилик, дурадгорлик, ўймакорлик каби баъзи анъанавий ҳунармандчилик марказлари кўплаб сайёҳларни жалб қила олади. Хусусан, Риштон туманининг ўзида бугунги кунда 4000 нафардан ортиқ кулол фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда ҳунармандчилик қишлоқларининг афзаллиги шундаки, улар қулай транспорт ҳудудларида, шу жумладан йўл бўйида жойлашганлиги сабабли, комплекс туризм дастурларини ишлаб чиқиш қулай.

Турар жой ва овқатланиш билан боғлиқ инфратузилмалар

Сўнги йилларда Фарғона водийсига сайёҳлар учун турар жой ва овқатланиш билан инфратузилмалар сифати кўтарилди. Айни пайтда ҳудуддаги мавжуд меҳмонхоналар сони 99 тани ташкил этади. 2-жадвал маълумотларига қаранг.

⁵ Манба: Фарғона вилояти ҳокимлиги расмий сайти.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Меҳмонхоналарнинг тоифалари бўйича сони(бирлик)⁷

Вилоятлар	1-юлдузли	2-юлдузли	3-юлдузли	4-юлдузли	5-юлдузли	Тоифага эга эмас	жами
Андижон	4	-	4	-	-	10	18
Наманган	3	1	4	-	-	18	26
Фарғона	22	1	2	1	-	29	55

Ҳудудда халқаро ва маҳаллий меҳмонларнинг қолиш вақти жуда қисқа бўлиб, 2017 йилда сайёҳларнинг вилоятда қолиш кунлари ўртача 1,5 кунни ва кунлик харажатлари 100,0 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бугунга келиб, қолиш кунлари ўртача 2 кунни ва ўртача харажатлари 200,0 АҚШ долларини ташкил этмоқда. 2015 йилда жойлаштириш воситаларининг бандлик даражаси атиги 29,4% ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у 52,5% га ошган. 2020 йилда бандлик даражаси 81,86% ни ташкил этди.

Ҳунармандчилик туристик маҳсулотларига бўлган талаб

Фарғона водийсида кулолчилик (Риштон тумани), Марғилон адрасчилари (Марғилон шаҳри) каби машҳур маҳсулотларга эга бўлган бир қатор машҳур ҳунармандчилик туманлари мавжуд. Гарчи анъанавий ҳунармандчилик қишлоқлари мавжуд бўлса-да, кўплаб ноёб ҳунармандчилик турларини яратган, улар ҳали ҳам халқаро сайёҳлик бозорларида ўз ўрнини топмаган. Бошқа томондан, ҳунармандлар қишлоқларидаги ҳунармандлар туризм учун сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва савдосига тадқиқот ўтказмаган ёки сармоя киритмаган.

Ҳозирги вақтда Фарғона водийсидаги ҳунармандчилик ёдгорлик бозори маданий ресурсларга мос равишда ривожланмаган. Етарлича тарғибот қилинмаганлиги сабабли маҳаллий ва хорижий сайёҳларни қониқарли жалб эта олмайди.

Туризм соҳасида инсон ресурслари

3-жадвалда кўриниб турибдики, туризм тобора ривожланиб бормоқда, бу эса туризм соҳасида кадрлар сифатини оширишни талаб қилади. Таҳлилларимизга кўра, Фарғона водийсида туризм соҳасида ишловчилар сони 2018-йилдаги 290 нафардан 2020 йилда 45,5%га ортиб, 422 нафарга етган. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари томонидан туризм соҳаси учун мутахассислар сони 2016 йилдаги 1 322 нафардан 2020 йилда 1 653 нафарга ошган. (25,0 % га ўсди.)

Туризм соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш билан шуғулланадиган таълим муассасалари сони (ўқув йили бошига, бирлик)⁸

	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020
Олий таълим муассасалари	10	18	11	15
Касб-ҳунар коллежлари	39	43	37	36
Олий таълим муассасалари томонидан туризм соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш (ўқув йили бошига, киши)				
	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020
Қабул қилинганлар сони	512	597	865	1507
Талабалар сони - жами	1731	1932	1628	2799
Битирувчилар сони	358	457	195	174

⁷ Ўзбекистонда туризм, 2016-2019 йиллар, Т.: 2020, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

⁸ Юқоридаги манба

Фарғона водийси ҳудудида олий таълим муассасалари томонидан туризм соҳаси				
Наманган	-	-	-	30
Фарғона	-	-	-	206
Касб-ҳунар коллежлари томонидан туризм соҳаси томонидан туризм соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш (ўқув йили бошига, киши)				
	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020
Қабул қилинган сони	1 478	951	-	830
Талабалар сони	3 839	3 472	2 117	1 688
Битирувчилар сони	1 322	1 239	1 117	1 653
Фарғона водийси ҳудудида касб-ҳунар коллежлари томонидан туризм соҳаси томонидан туризм соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш (ўқув йили бошига, киши)				
	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020
Андижон	-	-	188	98
Наманган	-	-	29	-
Фарғона	-	-	73	88

Бироқ, тобора чуқур ва кенг қамровли халқаро интеграция шароитида Фарғона водийсида туризмнинг инсон ресурслари ҳали ҳам туризм саноати талабларига жавоб бермайдиган кўплаб жиҳатларга эга. Ушбу юқоридаги масалаларни ҳал этиш жараёнида қуйидаги таклифларни амалга оширишнинг босқичли алгоритми ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Ҳунармандчилик қишлоқлари туризмни ривожлантиришнинг босқичли алгоритми⁹

Хулоса ва таклифлар

Биринчидан, Фарғона водийси ҳунарманд қишлоқлар туризмни ривожлантириш ҳар бир вилоятнинг ажралмас йўналиши сифатида аниқлаши керак, чунки ҳунармандчилик қишлоқ туризмни ривожлантириш иш ўринлари яратиш, аҳолининг фаровонлик даражасини кўтаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳунармандларнинг даромадларини ошириш ва қишлоқ маҳсулотларини маҳаллий ва халқаро сайёҳларга кенгроқ тарғиб қилиш, қишлоқ аҳолиси учун яхши имкониятларга олиб келади.

⁹ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Иккинчидан, ҳудудда туризмни ривожлантиришга бўлган талабни қондириш учун қишлоқ ҳунармандчилиги туризми салоҳиятини, айниқса, курортлар ёки сайёҳлик марказларини қуриш учун табиий ландшафтлар ва инсон ресурслари салоҳиятини, хусусан, қишлоқ туризмни юқори сифатда ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан, умумий туризмни айниқса, қишлоқ туризмни, ривожлантириш ва халқаро иқтисодий интеграция шароитида барқарор йўналишда ривожлантириш зарур. Ҳунарманд қишлоқлари туризмни ривожлантиришда савдо жараёнини тўғри йўлга қўйиш тарихий қадриятларни, маданий ўзига хосликни сақлаш ва тарғиб қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан уйғунлаштирилиши керак.

Тўртинчидан, ҳар бир вилоятда маҳаллий аҳоли ва ишчилар учун ҳунарманд қишлоқлари туризмни ривожлантириш роли ҳақида хабардорликни ошириш таклиф этилади. Шунингдек, ишчилар учун ҳунарманд қишлоқлари туризми бўйича кўникмаларни яхшилаш керак.

Бешинчидан, ҳудудда туризм маҳсулотларини диверсификация қилиш, ҳунарманд қишлоқ туризми самарадорлигини ошириш учун туризм ва ҳунарманд қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича алоқаларни яратиши керак. Натижада халқаро иқтисодий интеграция шароитида туристлар эҳтиёжини қондирилади.

Шундай қилиб, ҳунармандчилик қишлоқларида туризмни ривожлантириш қишлоқлар маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, ҳунарманд қишлоқ туризми фаолиятида ресурслар, ёқилғи ва материаллардан оқилона ва тежамкор фойдаланишни таъминлаши, тупроқ ва сув каби табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, экологик тоза ҳунармандчилик қишлоқлари муҳитини сақлаш каби муҳим жараёнларни шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Vu, M. H., & Ida, R. (2017). Craft villages and tourism development, a case study in Phu Quoc island of VietNam. *Management* 2017, 21(1), 223-236. <https://doi.org/10.1515/manment-2015-0090>.
2. Lane, B., & Kastenzholz, E. (2015). Rural tourism: The evolution of practice and research approaches - towards a new generation concept? *Journal of Sustainable Tourism*, 23(8-9), 1133-1156. <https://doi.org/10.1080/09669582.2015.1083997>
3. Mitchell, J. (2012), Value chain approaches to assessing the impact of tourism on low – income households in developing countries. *Journal of Sustainable Tourism*, 20(3), 457-475. Doi: <https://doi.org/10.1080/09669582.2012.663378>
4. Barbieri. (2015). On the demand of agritourism: a cursory review of methodologies and practice. *Tourism planning and Development*, December.
5. Gao, J., & Wu, B. (2017). Revitalizing traditional villages through rural tourism: A case study of Yuanjia Village, Shaanxi Province, China. *Tourism Management*, 63, 223-233. <https://doi.org/10.1016/j.tourman.2017.04.003>
6. Ahmad, A. (2005). *Tourism Village: A Conceptual Approach*. Asia-Europe Seminar on Cultural Heritage, Man and Tourism in Hanoi– Vietnam. May 2001.
7. Suzuki, N. (2006). *Effective Tourism Development through Traditional Craft Promotion-Japanese Experiences*. First International Congress on Tourism and Traditional. Craft & Associated Activities. Riyadh, KSA November.
8. World Tourism Organization (2008). *UNWTO Tourism Highlights, Edition 2008*. <https://doi.org/10.18111/9789284413560>

9. Kastenholz, Carneiro, Marques, & Lima. (2012). Understanding and managing the rural tourism experience – The case of a historical village in Portugal. *Tourism Management. Perspectives*, 4, 207-214. <https://doi.org/10.1016/j.tmp.2012.08.009>
10. Song, et al. (2010). Tourism economics research: A review and assessment. *Annals of Tourism Research*, 39(3), 1653-1682. <https://doi.org/10.1016/j.annals.2012.05.023>
11. Pham, H. M. (2009). Factors affecting travel entertainment demand for domestic tourism in Nha Trang Bay marine protected area. *Journal of Science Fisheries Technology*, Special number, 216-222.
12. Williams, & Lawson. (2001). Community issues and resident opinion of tourism. *Annals of Tourism Research*, 28(2), 269-290. [https://doi.org/10.1016/S0160-7383\(00\)00030-X](https://doi.org/10.1016/S0160-7383(00)00030-X)
13. Chen, L. C., Lin, S. P., & Kuo, C. M. (2013). Rural tourism: Marketing strategies for the bed and breakfast industry in Taiwan. *International Journal of Hospitality Management*, 32(1), 278-286. <https://doi.org/10.1016/j.ijhm.2012.07.005>
14. Robert, W. M., Charles, R. G., & Brent Ritchie, J. R. (1995). *Tourism: principles, practices, philosophies* (7 ed.). New York, John Wiley and Sons.
15. Vo Thi, M. T. (2012). Orientation of developing traditional craft villages in Tra Vinh province to serve tourism in the integration period (Master thesis). Ho Chi Minh University of Education, Ho Chi Minh, Vietnam.